
Риштон туманида “Ёшлар овози” танловининг сектор босқичи ўтказилди

Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий ғурур ва ифтихор, меҳр оқибат руҳида тарбиялаш, ёшларни санъанга бўлган қизиқишларини янада ошириш, ёш истеъдодларни кашф этиш, уларни қўллаб-қуватлаш, катта сахналарда ўз санъатларини намоён этиш учун кенг йўл очиб бериш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги Риштон туман бўлими ва туман Маданият бўлими билан ҳамкорлигида туманда жорий йилнинг 8-9 апрель кунлари “Ёшлар овози” танловининг сектор босқичлари ўтказилди. “Ёшлар овози” танлови 3 ёш тоифасида 10-15 ёш, 16-22 ёш, 23-30 ёш тоифасидаги ёшлар ўртасида тўрт йўналиш бахшичилик, анъанавий ижро, опера, эстрада йўналишлари бўйича ўтказилди. Ўтказилган танловда юқори натижаларни қўлга киритган ёшлар танловнинг туман саралаш босқичида иштирок этиши учун йулланма берилди.

2022-04-11 15:10:48